

**МИЛЛИЙ ТЕХНОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР УНИВЕРСИТЕТИ  
«МИС<sub>n</sub>С»НИНГ ОЛМАЛИҚ ШАХРИДАГИ ФИЛИАЛИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.22/30.12.2019.Т.98.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**КАРИМОВ ШЕРЗОД ВАФО ЎҒЛИ**

**ЧУҚУР КАРЬЕРЛАРДАН ФОЙДАЛИ ҚАЗИЛМАЛАРНИ ҚАЗИБ  
ОЛИШДА КАТТА ЮК КЎТАРУВЧИ АВТОСАМОСВАЛЛАРНИНГ  
ИҚТИСОДИЙ ЖИҲАТДАН МАҚСАДЛИ ЭКСПЛУАТАЦИОН  
КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ ВА БОШҚАРИШ**

**04.00.10 – Геотехнология (очиқ, ер ости ва қурилиш)**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по техническим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on technical sciences**

**Каримов Шерзод Вафо ўғли**

Чуқур карьерлардан фойдали қазилмаларни қазиб олишда катта юк  
кўтарувчи автосамосвалларнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадли  
эксплуатацион кўрсаткичларини тадқиқ қилиш ва  
бошқариш..... 3

**Каримов Шерзод Вафо угли**

Исследование и управление экономически целесообразными  
эксплуатационными показателями большегрузных автосамосвалов при  
добыче полезных ископаемых с глубоких карьеров..... 19

**Karimov Sherzod Vafo ugli**

Research and control of economically feasible performance indicators of  
large dump trucks in the extraction of minerals from deep  
quarries..... 35

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 39

**МИЛЛИЙ ТЕХНОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР УНИВЕРСИТЕТИ  
«МИС<sub>n</sub>С»НИНГ ОЛМАЛИҚ ШАХРИДАГИ ФИЛИАЛИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.22/30.12.2019.Т.98.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**КАРИМОВ ШЕРЗОД ВАФО ЎҒЛИ**

**ЧУҚУР КАРЬЕРЛАРДАН ФОЙДАЛИ ҚАЗИЛМАЛАРНИ ҚАЗИБ  
ОЛИШДА КАТТА ЮК КЎТАРУВЧИ АВТОСАМОСВАЛЛАРНИНГ  
ИҚТИСОДИЙ ЖИҲАТДАН МАҚСАДЛИ ЭКСПЛУАТАЦИОН  
КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ ВА БОШҚАРИШ**

**04.00.10 – Геотехнология (очиқ, ер ости ва қурилиш)**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2021.3.PhD/T1547 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.misis.uz](http://www.misis.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Наимова Рано Шукуровна</b> техника фанлари доктори, доцент
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Атрушкевич Виктор Аркадьевич</b> техника фанлари доктори, профессор <b>Хакимов Шодибой Ихматуллаевич</b> техника фанлар номзоди, доцент
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>«Олмалик КМК» АЖ</b>


Диссертация ҳимояси Миллий технологик тадқиқотлар университети «МИСиС»нинг Олмалик шаҳридаги филиали ҳузуридаги DSc.22/30.12.2019.T.98.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «9» феврал соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 110101, Олмалик шаҳри, Амир Темур кўчаси, 56-уй. Тел.: (70) 614-22-57; e-mail: [info@misis.uz](mailto:info@misis.uz)).


Диссертация билан Миллий технологик тадқиқотлар университети «МИСиС»нинг Олмалик шаҳридаги филиалининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (Д – 22.02 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 1101201, Олмалик шаҳри, Амир Темур кўчаси, 56-уй. Тел.: (70) 614-22-57.

Диссертация автореферати 2022 йил «27» январ куни тарқатилди.  
(2022 йил «27» январ № 10 рақамли реестр баённомаси)



**Ф.Я.Умаров**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси, т.ф.д., доцент

  
**Г.С.Нузфуллаев**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.н., доцент

  
**Ш.Ш. Заиров**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар  
раиси, т.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда, фойдали қазилма конларини очик усулда қазиб олишда катта юк кўтарувчи карьер автосамосваллари тобора кенг қўлланилмоқда. Чуқур карьерларда кон массасини ташиш асосан 80 % тор шароитларда маневр операцияларини амалга оширувчи ва транспорт масофасини сезиларли даражада камайтирадиган карьер автосамосвалларига тўғри келади. Карьерларнинг чуқурлиги ошиши натижасида карьер транспорти харажатлари фойдали қазилмани қазиб олишда умумий харажатларининг 50-60 % қисмини ташкил қилади. Шу билан бирга, транспорт ишлари харажатларини камайтириш ва карьер автосамосваллари унумдорлигини ошириш билан боғлиқ масалалар долзарблигича қолмоқда, ва уни ҳозирда ечиш алоҳида аҳамият касб этади.

Дунёда катта юк кўтарувчи автосамосвалларнинг 10 дан ортиқ турлари мавжуд бўлиб, очик кон ишлари объектларида асосий транспорт воситаси бўлиб фойдаланилади. Уларнинг асосий камчиликлари дизель ёқилғиси сарфининг юқорилиги, муҳим параметрларга эга бўлган транспорт коммуникациялари учун қазиб олинадиган қўшимча кон массасининг мураккаблиги ҳисобланади. Карьер автосамосвалларини унумдорлигини ошириш, транспорт харажаъларини камайтириш, ташиш жараёнини оптималлаштириш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Шу муносабат билан катта юк кўтарувчи автосамосвалларнинг замонавий турларини ўрганиш, уларни чуқур карьерларнинг пастки горизонтларида ишлашда иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эксплуатацион кўрсаткичларини тадқиқ қилиш, 200-220 тоннадан ортиқ юк кўтариш қобилиятига эга автосамосвалларнинг техник-эксплуатацион кўрсаткичларини асослашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамиздаги чуқур руда карьерларида катта юк кўтарувчи автосамосвалларни қўллашга оид қатор илмий-амалий ишлар бажарилмоқда. Чуқур карьерларда катта юк кўтарувчи автосамосваллардан фойдаланилган ҳолда кон массасини ташишда транспорт схемаларини ишлаб чиқиш. Чуқур карьерларда катта юк кўтарувчи автосамосвалларнинг эксплуатацион кўрсаткичларини тадқиқ этиш ва бошқариш бўйича илғор илмий асосланган чора-тадбирларни жорий қилиниб, бир қатор илмий-амалий натижаларга эришилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегиясида, жумладан, «энергия тежамкор ва экологик хафсизликни таъминлайдиган технологияларни яратиш ва ишлаб чиқаришга тадбиқ қилиш бўйича илмий тадқиқот ишларини кенг қўламда олиб бориш...»<sup>1</sup> каби муҳим вазифалар белгиланган. Шу муносабат билан чуқур карьернинг пастки горизонтларида самарали ва мақбул ишларни таъминловчи катта юк кўтарувчи автосамосвалларнинг эксплуатацион

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси норматив ҳужжатлар тўплами. – Т., 2017. – 103 б.

кўрсаткичларини тадқиқ қилиш ва бошқариш катта илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги ПФ-4947-сон Фармони ва 2019 йил 17 январдаги «Кон-металлургия тармоғи корхоналари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4124-сон Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Республика илм-фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VII. «Ер тўғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хом ашёни қайта ишлаш)» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Чуқур карьерлардаги кон массасини автомобил транспорти ёрдамида ташишни ташкил этиш, режалаштириш ва моделлаштиришда, Трубецкой К.Н., Кулешов А.А., Казарез А.Н., Подэрни Р.Ю., Кантович Л.И., Атрушкевич В.А., Кучерский Н.И., Галкин В.А., Мальгин О.Н., Сытенков В.Н., Галиев С.Ж., Смирнов В.П., Васильев М.В., Потапов М.Г., Яковлев В.Л., Зырянов И.В., Герике Б.Л., Клебанов А.Ф., Лель Ю.И., Стенин Ю.В., Вуейкова О.Н., Корягин М.Е., Логов А.Б., Воронов А.Ю., ва S. Alarie, C. Burt, M. Gamache каби ва бошқа олимлар ўзларининг ҳиссаларини кўшганлар.

Шу билан бирга, кон массасини чуқур карьерларнинг пастки горизонтларида ташиш жараёнини амалга оширишда карьернинг кон-техник шароитлари ҳисобга олиниши керак. Фойдали қазилма конларида транспорт ишлари соҳасидаги тадқиқотлар шуни кўрсатдики, кон массасини катта юк кўтарувчи автосамосваллар ёрдамида ташиш жараёнига таъсир этувчи кон-техник омилларни комплекс ўрганиш ва таҳлил қилиш энг самарали ечимини танлаш имконини беради. Шу муносабат билан, иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эксплуатацион кўрсаткичларни бошқариш ва пастки горизонтларда замонавий катта юк кўтарувчи автосамосвалларни танлаш, кон массасини ташиш жараёнини математик моделлаштириш ҳамда 600 метр ва ундан ортиқ чуқурликда автомобил йўлининг мақбул қиялигини аниқлаш тоғ-кон саноатининг долзарб илмий-амалий муаммоси ҳисобланади ва бу йўналишда кейинги тадқиқотларни давом эттириш лозим.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ ОТ-Атех 2018-432 «Очиқ кон ишларида динамик кондицияларни қўллаш асосида минерал-хомашё базасини тезкор бошқариш усуллари ишлаб чиқиш» (2018-2020 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** чуқур карьернинг пастки горизонтларида самарали ва мақбул ишлашни таъминлайдиган катта юк кўтарувчи автосамосваллар ишининг эксплуатацион кўрсаткичларини асослашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

мураккаб кон-техник шароитларга эга чуқур карьернинг пастки горизонтларида ишловчи катта юк кўтарувчи автосамосвалларнинг эксплуатацион кўрсаткичларини тадқиқот ишларини таҳлили;

кон массасини ковжойдан қабул қилиш нуктасига қадар тақсимланишининг математик моделини асослаш;

катта юк кўтарувчи автосамосвалларнинг эксплуатацион кўрсаткичлари билан чуқур карьерларнинг пастки горизонтларидаги кон - техник параметрларини назарий тадқиқ этиш ва асослаш;

чуқур карьерларда йўллар қурилишида юк ташиш масофаси ва кон массасининг ҳажмига йўл қиялиги таъсирини ўрганиш ва баҳолаш;

катта юк кўтарувчи автосамосвалларнинг эксплуатацион кўрсаткичларини техник-иктисодий асослаш.

**Тадқиқот объекти** сифатида очиқ усулда казиб олинувчи руда кони олинган.

**Тадқиқот предмети** чуқур карьернинг пастки горизонтларидан кон массасини ташувчи катта юк кўтарувчи автосамосваллар ташкил этган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишини бажаришда кенг камровли тадқиқот усуллари, операцион маълумотларнинг статистик таҳлиллари, шу жумладан: катта юк кўтарувчи автосамосвалларни кўллаш соҳасидаги назария ва амалиётни назария билан умумлаштирилиши, амалдаги карьер шароитида тўлиқ тадқиқотлар, потенциал усул ва Шимолий-ғарбий бурчак усулидан фойдаланган ҳолда ташиш вазифасини ҳал қилишда математик моделлаштириш, техник-иктисодий ҳисобларни ўз ичига олган тадқиқотларнинг комплекс усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

чуқур карьерларнинг пастки ва юқори горизонтларида автосамосваллар билан кон массасини ташишда мақбул транспорт режасини шакиллантириш ва кон массасини ковжойдан қабул қилиш пунктларига тақсимлашнинг математик модели ишлаб чиқилган;

юк кўтариш қобилияти 220 тонна бўлган электромеханик трансмиссияли катта юк кўтарувчи автосамосвалларнинг эксплуатацион-техник кўрсаткичлари аниқланган ҳамда карьернинг пастки горизонтларида тор шароитларда йўлнинг қиялиги (80-120%) бўлганда чиқиб-тушиш жараёнлари такомиллиштирилган;

транспорт бермаси доимий кенглиги ўзгармаган ҳолда, чуқур карьерларда автомобиль йўлларини қуришда йўл қиялигининг кон массасини ташиш масофасига ҳамда кон массаси ҳажмига таъсири аниқланган;

чуқур карьернинг кон-техник параметрларини автосамосвалнинг ишлашига таъсири ва катта юк кўтарувчи самосвалларнинг ишлаш коэффицентини ошиши аниқланиб, бу орқали чуқур карьернинг пастки ва

юқори горизонтларида руда ва қоплама тоғ жинсларини энергетик жиҳатдан самарали ташиш оптималлаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Чуқур карьерларнинг пастки горизонтларида катта юк кўтарувчи автотамосвалларнинг самарали ва мақбул ишлашини тامينлайдиган, ўртача ташиш масофаси 4,3 км, ташиш баландлиги 160 м бўлганда карьер йўллари қиялигининг рационал қиймати ишлаб чиқилган;

Кон массасини катта юк кўтарувчи карьер автосамосваллари билан ташиш жараёнини оптималлаштиришнинг математик модели ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончилиги саноат экспериментларининг катта ҳажми билан исботланди, шунингдек тадқиқот ишларининг асосий ғоясига мос келиши, яъни чуқур карьерлардан фойдали қазилмаларни қазиб олишда катта юк кўтарувчи автосамосвалларнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эксплуатацион кўрсаткичларини бошқариш бўйича ижобий натижалари билан исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти математик моделлаштириш ва катта юк кўтарувчи карьер автосамосвалларининг замонавий моделларини қўллашнинг назарий асосланиши билан асосланади, улардан фойдаланиш 220 тонналик юк кўтариш қобилиятига эга электромеханик трансмиссияли автосамосваллар қия йўлларда ҳаракатланганда гидромеханик трансмиссияли автосамосвалларга нисбатан анча тежамли эканлиги билан изоҳланди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти транспорт бермасининг доимий кенглиги туфайли ҳосил бўладиган автомобиль йўлларини куришда кон массасининг қазиб олинган ҳажмига, ташиш масофасига, автомобиль йўлининг қиялигига таъсири белгиланган қонуниятлар билан тавсифланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Чуқур карьернинг пастки горизонтларида катта юк кўтарувчи автосамосвалларнинг эксплуатацион кўрсаткичларини аниқлаш ва бошқариш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

юк кўтариш қобилиятига 220 тонна бўлган такомиллаштирилган электромеханик трансмиссияли Komatsu 830E-AC автосамосваллари Навоий кон-металлургия комбинати Марказий кон бошқармасига қарашли Мурунтау карьериди пастки горизонтларда жорий этилган («Навоий кон-металлургия комбинати» Давлат корхонасининг № 02-06-07/8048 11.08.2021й. сонли маълумотномаси). Натижада, йўлнинг қиялиги (80-120%)ни ташкил этганда карьернинг пастки горизонтларида кон массасини ташиш операцияларида самарадорлик ва хавфсизликни ошириш имконини берган;

ишлатилган автосамосваллар сони ва уларнинг инвентар бирликлари сонини ҳисобга олган ҳолда линияда автосамосвалларнинг ўртача ишлаш коэффиценти Навоий кон-металлургия комбинати Марказий кон бошқармасининг Мурунтау карьериди жорий этилган («Навоий кон-металлургия комбинати» Давлат корхонаси маълумотномаси № 02-06-07/8048 от 11.08.2021г.). Натижада, автосамосвалларнинг ўртача ишлаш



коэффициенти бир ой ичида  $k_{отр} = 0,8$  ни ташкил этган, бу эса чуқур карьернинг пастки горизонтларидан руда ва қоплама тоғ жинсларини энергетик жиҳатдан самарали ташишни режалаштириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқотнинг натижалари 2 та республика ва 5 та халқаро илмий-амалий анжуманларда апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий ишлар чоп этилган бўлиб, улардан 1 таси монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини нашр этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, шу жумладан 2 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация структураси кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати иборат. Диссертация ҳажми 108 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва унга бўлган талаб, тадқиқот мақсади ва вазифалари асосланган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга қўлланилиши бўйича тавсиялар, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши келтирилган.

Диссертациянинг «**Чуқур карьерларда автомобил транспортининг ҳолати тўғрисидаги манбаларни таҳлил қилиш**» деб номланган биринчи бобида чуқур карьерлардаги карьер транспортини ривожлантиришнинг замонавий тенденциялари келтирилган; чуқур карьерларда катта юк кўтарувчи автосамосвалларни ишлатишда кон-техник шароитларнинг таҳлили берилган; катта юк ташувчи карьер автосамосвалларидан фойдаланиш ва уларнинг хусусиятларини таҳлил қилиш кабилар кўрилган.

Чуқур карьерларда катта юк кўтарувчи автосамосвалларни ишлатишда кон-техник шароитларни ўрганишга бағишланган ишларни таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, кон чуқурлигининг ошиши фойдали қазилмани казиб олишнинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини ва транспорт харажатларини ошишига олиб келади ва бу карьерларнинг унумдорлигига ҳамда пастки горизонтлардаги иш жойларининг интенсивлигини оширишга асос бўлади. Чуқур карьерларни вақт ва маконда ўзгариб турадиган тизимлар деб ҳисоблаш учун асос бўлиб хизмат қилади ҳамда бу тизим ўз навбатида конни очиш, карьер транспорти, хавфсизлик ва бошқа тизимлардан иборат бўлади.

Айни пайтда, карьер автосамосваллари моделларини ўнлаб ишлаб чиқарувчи корхоналар мавжуд, ушбу автосамосвалларни қўллашдан мақсад чуқур карьернинг пастки горизонтларида тор шароитлар ва йўлнинг

қияликларида ҳаракатланганда тушиб-чиқиш маневр операцияларини бажаришдан иборат.

Аммо улар маълум кон-техник шароитларда чуқур карьерларда ишлатилиши, очик кон ишларида бажариладиган бошқа жараёнларга қўйиладиган талаб ва кўрсаткичлар билан аниқланади.

Диссертациянинг «Транспорт вазифасини бажаришда катта юк кўтарувчи карьер автосамосвалларининг ташиш ишини математик моделлаштириш» деб номланган иккинчи бобида кон массасини ковжойлардан қабул қилиш пунктларига тақсимлашнинг математик модели тавсифи берилган потенциал усули ва Шимолий-ғарбий бурчак усули ёрдамида транспорт масофасини оптималлаштириш, карьернинг пастки ва юқори горизонтларида автосамосвалларнинг ҳаракатланиш тезлигини оптималлаштириш мақсадида мақбул транспорт режаси аниқланди, катта юк кўтарувчи карьер автосамосваллари кўрсаткичлари билан чуқур карьерларнинг пастки горизонтларида кон-техник параметрлари тўғрисида тадқиқотлар амалга оширилган.

Кон массасини ташишнинг мақбул режаси, кон массасини ташиш босқичларини математик талқин қилиш шаклида амалга ошириладиган транспорт вазифаси учун математик моделлаштириш усули ёрдамида аниқланди (1-шакл.). Бу усул кон массасини карьернинг пастки горизонтларидан ташиш режасининг мақбуллиги шароитида транспорт вазифасини оптималлаштиришга имкон беради.



**1-шакл. Чуқур карьерлардан кон массасини ташиш босқичларини математик талқин қилиш.**

Математик модел кон массасини ковжойлардан қабул қилиш пунктларигача тақсимлашдан тортиб мақбул транспорт режасини қабул қилиш ва транспорт масофасини потенциаллар усули ва Шимолий-ғарбий бурчак усулини қўллаган ҳолда оптималлаштиришни асослашдан иборат.

Математик моделни яратиш учун иккита усул қўлланилади:

- Потенциал усул билан транспорт муаммоларини ҳал қилиш;
- Симплекс усули ёрдамида транспорт муаммосини ҳал қилиш.

Бу усуллардан мақбули потенциаллар усули бўлганлиги учун ушбу усул моделлаштиришда фойдаланилган.

1-жадвалда келтирилган захира ва қабул қилиш қобилияти шуни билдирадики,  $Z_{1-n}$  аниқ бир миқдордаги  $m^3$  кон массасига эга ва  $PPK_{1-n}$  аниқ бир миқдордаги  $m^3$  кон массасини қабул қилиш имконига эга.  $L_{1.1} — L_{n.3}$  ушбу параметрлар ковжойлардан то қабул қилиш пунктларига қадар бўлган масофалар км да.

Муаммони ҳал қилиш ва дастлабки босқичда оптимал транспорт режасини олиш учун таянч (дастлабки) ечим қурилди. Бунинг учун Шимолий-ғарбий бурчак усули ёрдамида дастлабки транспорт режаси қуйидаги тартибда қурилади (2-шакл):

1. Шимолий-ғарбий бурчак усули бўйича ковжойда мавжуд бўлган кон массасининг тақсимланиши амалга оширилди. Асосий қоида-тўлдирилган катаклар сони (базавий катаклар) асл режада  $m+n-1$  бўлиши керак, бу ерда  $m$ -каторлар сони,  $n$ -устунлар сони.

Жадвал 1

Транспорт вазифаси

Қазиб олинган ковжой, (Z)	Қабул қилиш пунктлари (PPK)				
	PPK1	PPK2	PPK3	PPKn	Захира
Z1	$L_{1.1}$	$L_{1.2}$	$L_{1.3}$	...	100
Z2	$L_{2.1}$	$L_{2.2}$	$L_{2.3}$	...	75
Z3	$L_{3.1}$	$L_{3.2}$	$L_{3.3}$	...	80
Zn.	$L_{n.1}$	$L_{n.2}$	$L_{n.3}$	...	n
Қабул қилиш қобилияти	70	120	65	n	$\sum_{i=1}^n Z = \sum_{j=1}^n PPK$

2. Бошланғич режага мувофиқ математик моделнинг мақсадли функциясини ҳисоблаш амалга оширилади. Ҳисоблаш натижалари математик моделнинг мақсадли функцияси минимумга қараб интилганини кўрсатади

$$R_1 = 70 \cdot L_{1.1} + 30 \cdot L_{1.2} + 75 \cdot L_{2.2} + 15 \cdot L_{3.2} + 65 \cdot L_{3.3} + \dots Ln = x_1 \rightarrow \min (1)$$

	Қабул қилиш пунктлари (РРК)				
	РРК1	РРК2	РРК3	РРКn	Захира
Z1	70 L <sub>1.1</sub>	30 L <sub>1.2</sub>	L <sub>1.3</sub>	...	100
Z2	L <sub>2.1</sub>	75 L <sub>2.2</sub>	L <sub>2.3</sub>	...	75
Z3	L <sub>3.1</sub>	15 L <sub>3.2</sub>	65 L <sub>3.3</sub>	...	80
Z <sub>n</sub>	L <sub>n.1</sub>	L <sub>n.2</sub>	L <sub>n.3</sub>	...	n
Қабул қилиш қобилияти	70	120	65	n	$\sum_{i=1}^n Z = \sum_{j=1}^n PPK$

**2-шакл. Шимолий-ғарбий усул бўйича кон массасини тақсимлаш**

Математик модел қуйидагича кўринишга эга


$$\sum_{i=1}^n Z \sum_{j=1}^m PPK R_1 x_1 \rightarrow \min \quad (2)$$

Потенциаллар усули ёрдамида транспорт муаммосининг мақбуллигини текшириш учун бир неча математик ҳаракат амалга оширилган ва шу ҳаракатлар ёрдамида мақбул режа танлаш учун бир нечта математик модел шакллантирилган. Иккинчи режа ҳамшиша биринчисига нисбатан мақбул бўлганлиги учун ( $R_2 < R_1$ ), қўлланилган усул бўйича амалга ошириладиган транспорт вазифаси оптималлаштирилган, бу эса иқтисодий жиҳатдан самарали ҳисобланади.

Шундай қилиб, кон массасини ковжойдан қабул қилиш пунктига ташиш учун автомобиль транспорти ишини тақсимлашнинг математик моделини ишлаб чиқиш, шунингдек, кон массасини пастки горизонтлардан ташиш режасининг мақбулл шароитида транспорт вазифасини оптималлаштириш бажарилган.

Катта юк кўтарувчи автосамосваллар параметрлари ва қазиб олиш кўрсаткичлари билан чуқур карьерларнинг пастки горизонтларида кон-техник параметрлари бўйича бажарилган тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, карьерларнинг чуқурлиги ошиши сайин катта юк кўтарувчи автосамосваллардан фойдаланиш шартлари табора мураккаблашиб бормоқда. Шу билан бирга, карьер чуқурлиги ошгани сайин, кон массасининг ташишда кўтарилишининг тахминий баландлиги ва йўлларнинг ўртача қиялиги ҳам транспорт масофасини ошишига олиб келади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, Мурунтау кони шароитида кон массасини ташишда ўртача баландлик 160 м, ўртача транспорт масофаси 4,3 км бўлганда, карьер чуқурлиги 600-700 метргача бўлган шароитларда автомобиль йўлларининг энг мақбул ўртача қиялиги 80% бўлади (3-шакл).




**3-шакл. Карьер чуқурлигининг йўлнинг қиялигига, кўтарилиш баландлигига ва транспорт масофасига боғлиқлиги**

Диссертациянинг «**Чуқур карьерларда катта юк кўтарувчи автосамосвалларнинг эксплуатацион кўрсаткичларини баҳолаш**» деб номланган учинчи бобида катта юк кўтарувчи автосамосваллардан қуйидаги моделлар танланган бўлиб, булар БелАЗ-75307, САТ-793Д, Komatsu 830E-AC, ХСМГ ХДЕ 240 ва уларнинг кўрсаткичлари ҳисоблаб чиқилди: тортиш кучи, ҳаракатдаги тезлиги, йўлнинг юқори қияликларида (80, 100, 120‰) автосамосвалнинг йўлга ёпишиш кучи ва ҳаракатнинг тўлиқ қаршилик давридаги автосамосвалнинг тезлиги.


Бу вазифа учун энг яхши ечим, чуқур карьерларнинг пастки горизонтларидан кон массасини ташиш пайтида катта юк кўтарувчи автосамосваллар кўрсаткичларини тадқиқ қилиш ва турли моделлари электромеханик ва гидромеханик трансмиссияли моделларни солиштириш учун эксплуатацион кўрсаткичларни ҳисоблаб таҳлил қилиш, деб топилган (4-б-шакллар.).



**4-шакл. Автосамосвалнинг ҳаракатдаги эксплуатацион кўрсаткичлари**



**5-шакл. Ҳаракатда умумий қаршиликдаги тезликнинг йўл қиялигига боғлиқлиги**



**6-шакл. Автосамосвал тортиш кучининг йўл қиялигига бўлган боғлиқлиги**


Юк кўтара олиш қобилияти 220 тонна бўлган БелАЗ, САТ, ва Komatsu автосамосваллари учун ўртача ташиш масофаси 4,3 км, ташиш баландлиги 160 м бўлганда йўлнинг ўртача қиялиги 80 %о ташкил этди. Шундан келиб чиқиб, юк кўтара олиш қобилияти 220 тонна бўлган автосамосвалларни чуқурлиги 600 м бўлган Мурунтау карьерининг пастки горизонтларида қўллаш иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ.

Олинган ҳисоб-китоблар (5-6-шакллар) 220 тонна юк кўтариш қобилиятига эга электромеханик трансмиссияли автосамосваллар 80-120 %о қияликдаги йўлларда карьернинг пастки горизонтларида тушиш ва кўтариш операцияларида самаралироқ эканлигини аниқлаш имконини берди.

Доимий транспорт съездлари ёрдамида чуқур карьерларнинг контурида қўшимча кон массасини қазиб олишда ва автомобиль йўлларини қуришда

ташиш масофасига ва қазиб олинадиган кон массаси ҳажмига йўлнинг қиялиги таъсири тадқиқ қилинди. Йўлнинг қиялиги транспорт масофасига, чуқур карьерларда автомобиль йўллари қуриш вақтида кон массасининг ҳажмига таъсири транспорт бермасининг доимий кенглигидан келиб чиққан ҳолда вужудга келиши аниқланди.

Карьер бортларини охири ҳолатда шакллантиришда транспорт коммуникацияси параметрларининг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ автосамосвални танлашга таъсири, шунингдек, йўлнинг қиялиги карьернинг технологик параметрларига бўладиган таъсири баҳоланди. Карьер йўллари тизими бўйича карьернинг чегаравий контурида қазиб олинадиган кон массаси ҳажмини аниқлаш учун тадқиқотда қуйидаги маълумотлардан фойдаланилди: карьернинг очиш чуқурлиги - 150м; ишчи поғонанинг баландлиги - 15м; охири нуқтада поғона баландлиги - 30м; чегаравий борт қиялиги - 45град; транспорт бермаси эни 20-30 м. (7-шакл).



**7-шакл. Қазиб олинадиган кон массасининг транспорт бермаси эни ва йўлнинг қиялигига боғлиқлиги**

Олинган натижалардан аниқ бўлдики, қўшимча кон массасининг ҳажмларини карьер контурларида қазиб олишда катта юк кўтарувчи автосамосвалнинг юк кўтара олиш қобилиятини оқилона танлаш транспорт бермасининг эни орқали боҳоланади.

Диссертациянинг «**Катта юк кўтарувчи карьер автосамосвалларни чуқур карьерларнинг пастки горизонтларида эксплуатацион кўрсаткичларини техник-иқтисодий асослаш**» деб номланган тўртинчи бобида юк кўтариш қобилияти 220 тонна бўлган автосамосваллар учун ишлаш коэффициентини ошириш, уларнинг солиштирма ёқилғи сарфини ҳисоблаш ва техник-иқтисодий эксплуатацион кўрсаткичлари асослаб берилган.

Автоҳўжаликнинг балансидаги ишчи машиналар ва уларнинг инвентаризация бирликларининг сонлари ҳисобга олган ҳолда, линияда катта юк кўтарувчи автосамосвални ишлаш коэффициенти аниқланди.

Ҳар 10 кун ичида амалга оширилган 10 кунлик, 20 ва 30 кунлик хронометраж натижалари ой бошидан умумлаштирилди. Ишчи

машиналарнинг линияда ишлаш коэффиценти тўғрисида аниқроқ натижа олиш учун, сменани қабул қилиш ва топшириш учун кетадиган вақт оралиқлари инобатга олинди.

Умумий иш вақти сутгада 2042,8 соат бўлганда; 2 сменали иш режимида, смена давомийлиги 11,2 соат; ишчи автосамосваллар сони  $N_{отр} = 91,2$  та; инвентар автосамосваллар сони  $N_{инв} = 114$  та бўлганда, линияда автосамосвалларнинг ўртача ишлаш коэффиценти бир ой ичида  $k_{отр} = 0,8$  ни ташкил этиши аниқланган.

Юк кўтариш қобилияти 220 тонна бўлган автосамосваллар керакли сонини ҳисоблаш учун, чуқурлиги 600 м бўлган карьер зоналари ва горизонтлари бўйича ишчи автосамосвалларнинг иш вақти натижалари, портлаш жараёнига ажратилган иш вақтини ҳисобга олган ҳолда 365 кун/йил ёки 730 сменани ташкил этиши аниқланган.

Кон массасини ўртача ташиш масофаси 4,3 км, ташиш баландлиги 160 м ва қиялик 80% бўлганда, ёқилғи сарфини ҳисоблаш норматив ҳужжатлари асосида БелАЗ, САТ, Komatsu учун ёқилғининг солиштира сарфи г/т.км да ҳисобланди ва бунда электромеханик трансмиссияли автосамосвал учун 72,21, гидромеханик трансмиссияли автосамосваллар учун 76,36 г/т.км ташкил этди. Шундан келиб чиқиб, чуқурлиги 600 м бўлган Мурунтау конининг пастки горизонтларида 220 тонна юк кўтара олиш қобилиятига эга электромеханик трансмиссияли автосамосваллардан фойдаланиш энергетик ва иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқдир.

Мурунтау карьеридида қазиб олиш ишлари марказдан қанотларга қараб олиб борилади, бу эса конни қазиб олиш ва кон массасини ташиш жараёнида маневр операцияларини сезиларли даражада чеклайди шу билан биргаликда карьерда кон массасининг оқимини технологик мувозанатсизликга олиб келади. Кон массасини ташишга кетадиган харажатларни камайтириш учун юк кўтара олиш қобилияти ва унумдорлиги юқори бўлган автосамосвалларни қўллаш зарур. Юк кўтариш қобилияти 220 тонна бўлган карьер автосамосвалларининг эксплуатацион кўрсаткичларини техник-иқтисодий асослаш шуни кўрсатдики, электромеханик трансмиссияли Komatsu 830E-AC автосамосвалининг гидромеханик трансмиссияли ва бошқа турдаги автосамосвалларга нисбатан асосий афзаллиги унинг техник ўлчамлари эни ва қайрилишдаги радиусининг кичкиналигидадир.

Шундай қилиб, 221,6 тонна юк кўтариш қобилиятига эга бўлган автосамосвалларнинг эксплуатацион кўрсаткичларини ва параметрларини техник-иқтисодий асослашда Komatsu 830E-AC автосамосвалининг юқори унумдорлиги ва транспорт харажатларининг самаралилиги билан ажралиб туради.

## ХУЛОСА

«Чуқур карьерлардан фойдали қазилмаларни қазиб олишда катта юк кўтарувчи автосамосвалларнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадли эксплуатацион кўрсаткичларини тадқиқ қилиш ва бошқариш» мавзусидаги



бўйича техника фанлари фалсафа доктори (PhD) диссертация ишида олиб борилган тадқиқотлар асосида назарий ва амалий ахамиятга эга бўлган қуйидаги хулосалар тақдим этилади.

1. Чуқур карьерларда катта юк кўтарувчи автосамосвалларни ишлатишда кон-техник шароитларни ўрганишга бағишланган ишларни таҳлили шуни кўрсатадики, коннинг чуқурлиги ошиши фойдали қазилмани қазиб олишнинг техник-иқтисодий кўрсаткичларининг ва транспорт харажатларини ошишига олиб келади, бу карьерларнинг кон массасини қазиб олиш унумдорлиги ҳамда пастки горизонтлардаги иш жойларининг интенсивлигини оширишга асос бўлади. Натижада чуқур карьерларни вақт ва маконда ўзгариб турадиган тизимлар деб ҳисоблаш учун асос бўлиб хизмат қилади ва бу тизим конни очиш, карьер транспорти, хавфсизлик ва бошқа тизимлардан иборат бўлади.

2. Кон массасини ковжойдан қабул қилиш пунктларга потенциаллар ва Шимолий-ғарбий усуллардан фойдаланган ҳолда тақсимлашнинг математик модели ишлаб чиқилди. Натижада чуқур карьерларнинг пастки ва юқори горизонтларида автосамосваллар билан кон массасини ташишда тезлик ва ташиш масофасини оптималлаштириш ҳамда мақбул транспорт режасини шакллантириш имконини беради.

3. Юк кўтариш қобилияти 220 тонна бўлган автосамосваллар керакли сонини ҳисоблаш учун, чуқурлиги 600 м бўлган карьер зоналари ва горизонтлари бўйича ишчи автосамосвалларнинг иш вақти натижалари, портлаш жараёнига ажратилган иш вақтини ҳисобга олиб, 365 кун/йил ёки 730 сменани ташкил этиши аниқланди.

4. Юк кўтара олиш қобилияти 220 тонна бўлган БелАЗ, САТ, ва Komatsu автосамосваллари учун ўртача ташиш масофаси 4,3 км, ташиш баландлиги 160 м бўлганда йўлнинг ўртача қиялиги 80 %о ташкил этди. Натижада юк кўтара олиш қобилияти 220 тонна бўлган автосамосвалларни чуқурлиги 600 м бўлган Мурунтау карьерининг пастки горизонтларида қўллаш имконини беради.

5. Юқори горизонтлардан карьер сиртига ҳамда (карьер юзасидан + 285чи горизонтгача ва +405 чи горизонтгача) карьернинг ичида жойлашган концентрацион горизонтларга катта юк кўтарувчи автосамосваллардан фойдаланилган ҳолда кон массасини ташиш асослаб берилди. Натижада кон массасининг қўшимча ҳажмларини карьер контурларида қазиб олишда катта юк кўтарувчи автосамосвалнинг юк кўтара олиш қобилиятини оқилона танлаш имконини беради.

6. Автоҳўжаликнинг балансидаги ишчи машиналарнинг ва уларнинг инвентаризация бирликларининг сонларини ҳисобга олган ҳолда, линияда катта юк кўтарувчи автосамосвални ишлаш коэффиценти аниқланди. Умумий иш вақти суткада 2042,8 соат бўлганда; 2 сменали иш режимида; смена давомийлиги 11,2 соат; ишчи автосамосваллари сони  $N_{отр} = 91,2$  та, инвентар автосамосваллар сони  $N_{инв} = 114$  та бўлганда линияда автосамосвалларнинг ўртача ишлаш коэффиценти бир ой ичида  $k_{отр} = 0,8$  ни ташкил этиши аниқланди.

7. Катта юк кўтарувчи автосамосвалларнинг қуйидаги кўрсаткичлари ҳисоблаб чиқилди: тортиш кучи, ҳаракатдаги тезлик, йўлнинг юқори қияликларида машинанинг йўлга ёпишиш кучи ва ҳаракатнинг тўлиқ қаршилиқ давридаги автосамосвалнинг тезлиги. Натижада чуқур карьерларнинг пастги горизонтларида катта юк кўтарувчи автосамосвалларнинг эксплуатацион кўрсаткичларини аниқлаш имконини берди.

8. Бир бирликда иш бажариш даврида автосамосвал учун сарфланадиган ёқилғининг солиштирма сарфи аниқланди. Ҳисоблаш вақтида катта юк кўтарувчи автосамосваллардан 4 та модели танланган бўлиб булар БелАЗ-75307, САТ-793Д, Komatsu 830E-AC ва ХСМГ ХДЕ 240. Мурунтау кони шароитида ёқилғи сарфини аниқлашда ҳар хил режим, йўлнинг қиялиги ва кон массасини ташиш баландлигининг ўзгарувчанлигини инобатга олиш орқали дизель ёқилғисининг сарфини аниқлаш имконини берди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.22/30.12.2019.Т.98.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ФИЛИАЛЕ НАЦИОНАЛЬНОГО  
ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОГО ТЕХНОЛОГИЧЕСКОГО  
УНИВЕРСИТЕТА «МИСиС» В ГОРОДЕ АЛМАЛЫК**  

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ  
УНИВЕРСИТЕТ им. ИСЛАМА КАРИМОВА**

**КАРИМОВ ШЕРЗОД ВАФО УГЛИ**

**ИССЛЕДОВАНИЕ И УПРАВЛЕНИЕ ЭКОНОМИЧЕСКИ  
ЦЕЛЕСООБРАЗНЫМИ ЭКСПЛУАТАЦИОННЫМИ  
ПОКАЗАТЕЛЯМИ БОЛЬШЕГРУЗНЫХ АВТОСАМОСВАЛОВ ПРИ  
ДОБЫЧЕ ПОЛЕЗНЫХ ИСКОПАЕМЫХ С ГЛУБОКИХ КАРЬЕРОВ**

**04.00.10 – Геотехнология (открытая, подземная и строительная)**

**АВТОРЕФЕРАТ**  
**диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2021.3.PhD/T1547**

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном техническом университете имени Ислама Каримова.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу [www.misis.uz](http://www.misis.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)).

<b>Научный руководитель:</b>	<b>Наимова Рано Шукуровна</b> доктор технических наук, доцент
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Атрушкевич Виктор Аркадьевич</b> доктор технических наук, профессор <b>Хакимов Шодибой Ихматуллаевич</b> кандидат технических наук, доцент
<b>Ведущая организация:</b>	<b>АО «Алмалыкский ГМК»</b>


Защита диссертации состоится «9» февраля 2022 года в «14<sup>00</sup>» часов на заседании Научного совета DSc.22/30.12.2019.T.98.01 (Адрес: 110101, г. Алмалык, ул. Амира Темура 56. Зал заседаний Национального исследовательского технологического университета «МИСиС» в городе Алмалык. Тел.: (70) 614-22-57; e-mail: [info@misis.uz](mailto:info@misis.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национальном исследовательском технологическом университете «МИСиС» в городе Алмалык (зарегистрирован за № Д – 22.02). Адрес: 110101, г. Алмалык, ул. Амира Темура 56. Тел.: (70) 614-22-57.

Автореферат диссертации разослан «27» январь 2022 года.  
(реестр протокола рассылки № 10 от 27 январь 2022 года).



**Ф.Я. Умаров**  
Председатель Научного совета по  
присуждению ученых степеней, д.т.н., доцент

  
**Г.С. Нутфуллаев**  
Ученый секретарь Научного совета по  
присуждению ученых степеней, к.т.н., доцент

  
**Ш.Ш. Заиров**  
Председатель научного семинара при Научном  
совете по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире при разработке месторождений полезных ископаемых открытым способом все более широкое использование находит применение большегрузных карьерных автосамосвалов. В глубоких карьерах 80 % транспортирования горной массы приходится на карьерные автосамосвалы, выполняющие крутые маневровые операции в стесненных условиях, существенно сокращая расстояние транспортирования. По мере роста глубины карьеров доля затрат на карьерный транспорт составляет 50-60 % в общих затратах на добычу полезного ископаемого. При этом остаются актуальными вопросы связанные со снижением себестоимости транспортных работ и увеличение производительности карьерных автосамосвалов, а их решение на данный момент приобретает важное значение.

В мире на сегодняшний день, известны более 10 видов большегрузных карьерных автосамосвалов для использования их на объектах горных работ, которые остаются одним из основных видов карьерного транспорта. Главными недостатками являются осложнение необходимости добычи дополнительных объемов вскрыши для размещения транспортных коммуникаций с значительными параметрами, большой расход дизельного топлива. В этой связи проводятся научные работы по повышению производительности карьерных автосамосвалов, уменьшению транспортных затрат, оптимизации процесса транспортирования горной массы. В связи с этим, важной задачей является изучение современных видов большегрузных карьерных автосамосвалов, исследование их экономически целесообразных эксплуатационных показателей при работе их на нижних горизонтах глубокого карьера, обоснование технико-эксплуатационных параметров автосамосвалов грузоподъемностью более 200-220 т.

В Республике выполнен ряд научно-практических работ по использованию большегрузных автосамосвалов при разработке глубоких карьеров. Разработаны транспортные схемы по использованию большегрузных автосамосвалов в глубоких карьерах. В результате исследований и управления эксплуатационными показателями большегрузных автосамосвалов в глубоких карьерах достигнуты ряд научно-практических результатов на основе применения научно обоснованных мероприятий. В Стратегии действия по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 определены важные задачи по «расширению научно-исследовательских работ по созданию и внедрению в производство энергосберегающих и экологически безопасных технологий...».<sup>2</sup> В связи с этим, важно выполнять задачи по исследованию и управлению эксплуатационными показателями работы большегрузных карьерных

---

<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 г. «О стратегии действия по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» // Сбоник правовых документов Республике Узбекистан. – Т., 2017. – 103 с.

автосамосвалов, обеспечивающих эффективную и оптимальную работу на нижних горизонтах глубокого карьера.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 г. «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» и Постановлении Президента Республики Узбекистан №ПП-4124 от 17 января 2019 г. «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности предприятий горно-металлургической отрасли», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в этой сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VII. «Науки о земле (геология, геофизика, сейсмология и переработка минерального сырья)».

**Степень изученности проблемы.** Значительный вклад в развитие науки в области организации, планирования и моделирования работы автотранспорта на глубоких карьерах внесли ученые и специалисты, такие как Трубецкой К.Н., Кулешов А.А., Казарез А.Н., Подэрни Р.Ю., Кантович Л.И., Атрушкевич В.А., Кучерский Н.И., Галкин В.А., Мальгин О.Н., Сытенков В.Н., Галиев С.Ж., Смирнов В.П., Васильев М.В., Потапов М.Г., Яковлев В.Л., Зырянов И.В., Герике Б.Л., Клебанов А.Ф., Лель Ю.И., Стенин Ю.В., Вуейкова О.Н., Корягин М.Е., Логов А.Б., Воронов А.Ю., а также S. Alarie, C. Burt, M. Gamache и многие другие.

